Ушбу сонда: 2 ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲИМОЯДА | 3 TV - ДАСТУРИ | 4 «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» Турнири нуфузи ортиб бормоқда

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
ÖZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 сентябр, жума №132 (964)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ТЕРРОРЧИ ГУРУҲЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир бор имконият бериш, уларнинг беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳамда гуманистик туйғу ва интилишлардан келиб чиққан ҳолда:***

1. Турли хил экстремистик оқимлар таъсирида чет элларга кетиб, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолган, қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан надомат чекиб, пушаймон бўлиб бош эгиб келган шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилсин.

2. Ушбу Фармон мазкур шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши учун ҳуқуқий асос бўлиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, террорчилик, босқинчилик билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, халқимизнинг тинч ҳаётини таъминлаш мақсадида ўз фаолиятини янада кучайтирсин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фаоллари хушёрлик ва огоҳликни ошириш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга жиддий эътибор қаратсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Раҳмонқулов ва Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 6 сентябр.

# ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР ТИНЧЛИК АСРИ БЎЛСИН

**7 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «БМТнинг мингйиллик саммити»да иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига жўнаб кетди**



Нью-Йоркда бошланган «БМТнинг мингйиллик саммити» ушбу нуфузли ташкилотнинг 20-аср сўнггидаги энг йирик анжуманидир. Унда 150 дан ортиқ мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этмоқда. Янги мингйиллик арафасида дунёвий муаммоларни муҳокама этиш учун ўзига хос ва жуда қулай шароит юзага келди. «Мингйиллик саммити»да дунёнинг деярли барча мамлакати раҳбарлари иштирок этаётгани эса ушбу шароитдан фойдаланиш учун ноёб имконият яратмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳам БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг мазкур анжуманда қатнашиш тўғрисида йўллаган таклифини қабул қилди.

Саммитда кўриладиган масалалар кўлами жуда кенг. Унда қарийб икки юзга яқин масала кўриб чиқилади. Жумладан, мазкур анжуманда 20-асрда қилинган ишлар сарҳисоб қилинади, янги юзйилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилиши мўлжалланаётган тадбирларнинг устувор йўналишлари белгиланади.

Айни пайтда сайёрамизда олти миллиард одам истиқомат қилмоқда. Аҳолининг кўпайиши, давлатлар тараққиётининг турлича экани кўплаб муаммоларни юзага келтираётир. Ривожланган ва қолоқ мамлакатлар ўртасидаги фарқнинг катталиги улардаги аҳолининг яшаш тарзи ҳам турлича бўлишига олиб келмоқда. Янги асрда ушбу фарқларни камайтириш ва дунёда қашшоқликни тугатиш масаласи энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Саммитда бу борада ҳам қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз боради. Дунё иқтисодиётида, сиёсатида катта ўрин тутувчи давлатлар сони ортмоқда. Ушбу давлатларнинг обрўси ва салоҳияти уларнинг халқаро ҳамжамият ҳаётига фаол аралашишини талаб этяпти. Бу эса БМТда, жумладан, унинг бош органи бўлмиш Хавфсизлик кенгашида таркибий ўзгаришлар қилиш эҳтиёжини туғдираётир.

Президент Ислом Каримов Нью-Йоркка жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида мазкур масалага алоҳида тўхталди.

- БМТнинг таркибий ўзгаришлари масаласида бизда аниқ таклифлар бор,- деди давлатимиз раҳбари. - Аввалам бор, Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари - АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия ва Франция қаторига Германия ҳамда Япония ҳам қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, БМТ янги асрда дунёда тутган мавқеини янада юксалтириш, ўз саъй-ҳаракатларининг самарасини оширишни кўзлаган экан, Хавфсизлик кенгаши сафида иқтисодий жиҳатдан юксак салоҳиятга эга мамлакатлар сонини кўпайтириш яхши бўларди. Мазкур ўзгариш жаҳоншумул муаммоларни янада самаралироқ ҳал этишга кўмак беради. Кенгашнинг доимий бўлмаган аъзолари сонини ҳам кўпайтириш лозим. Бу эса тараққий топаётган давлатларнинг ўз дардини баланд овозда айтишига имкон яратади.

Бугун дунёда террор ва экстремизм хавфи ортиб бормоқда. Шу сабабли «мингйиллик саммити»да хавфсизликка асосий эътибор берилиши табиийдир. Президент Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48- ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида бу муаммога барчанинг диққатини қаратган эди. Мазкур иллатлар нафақат Ўзбекистон ё Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунёга таҳдид солаётир. Бу хавфнинг манбалари ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Айнан Афғонистондаги беқарорлик инсоният бошига шундай катта ташвишлар тушишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир. Бу давлатда вазият барқарорлашиши билан нафақат уруш-жанжалу хунрезликлар, балки наркобизнес ва қурол-яроғ контрабандасига ҳам чек қўйишга йўл очилади.

Ислом Каримов ушбу муаммога тўхталар экан, дунёдаги етакчи давлатлар Афғонистондаги урушни тўхтатиш борасида сусткашлик қилаётганини таъкидлади.

- Европада ёки бошқа бирор қитъада можаро пайдо бўлса, катта давлатлар баҳамжиҳат бўлиб дарҳол уни ҳал қилишга киришади,- деди Президент. - Бунинг учун миллиард-миллиардлаб маблағ сарфлайди. Бироқ Афғонистонда 20 йилдан ошиқ вақтдан буён давом этаётган урушни бартараф қилишга келганда уларнинг бу фаоллиги сезилмаяпти. Мазкур можаро бошқа давлатларга, жумладан Европа мамлакатларига ҳам таъсир қилиши, кўчиши мумкинлигини улар эътиборга олмаяпти.

Куни-кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистонга қўшни давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибида бўлган ҳамюртларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётга қайтишига кўмак берадиган инсонпарварлик туйғулари мужассамдир. Журналистларнинг илтимосига кўра, Ислом Каримов мазкур Фармонга ўз муносабатини билдирди.

- Агар инсон бир юртда туғилиб вояга етгач, хорижга кетса ва сўнг қўлида қурол билан ватанига талон-тарож қилиш, ўт қўйиш учун қайтса, ота-онаси ҳамда яқинларига зулм ўтказишга уринса,- бу жуда ғайритабиий ҳолдир, - деди давлатимиз раҳбари. - Бундай одамлар, одатда қандайдир салбий унсурларнинг, террорчилик ва экстремистик марказларнинг таъсирига тушиб қолган бўлади. Баъзи кишилар, асосан, ёшлар бировнинг таъсирига осон тушади. Ҳозир айрим қўшни давлатларда ўрнашиб олган қора кучлар ватани, ота-онаси, қолаверса, ўзи учун хайрли ишлар қилиш умидида юрган ёшлар онгини асоси ёлғондан иборат бўлган экстремизм, ваҳобийлик ва бошқа шу каби турли-туман ғоялар билан заҳарлашга уринмоқда. Бундай қора кучлар ўзларининг ёвуз ниятларини муқаддас динимиз билан ниқоблашга уринаётган бўлса-да, аслида унинг замирида мамлакатимиздаги конституциявий тузумни ағдариб, юртимизни ўрта асрларга қайтариш, қандайдир амирлигу халифалик тузиш ётибди. Янада ёмонроғи - наркотик ва қурол-яроғ контрабандаси учун юртимиз орқали ўзларига йўл очиш. Мамлакатимизни, бутун Марказий Осиёни иккинчи Афғонистонга айлантириш. Буни барча билиб қўйиши керак.

Менинг номи зикр этилган Фармонга имзо чекишдан мақсадим, айрим хорижий мамлакатлардаги, хусусан, Афғонистон ва Тожикистондаги террорчи гуруҳлар сафига билиб-билмай, адашиб кириб қолган ватандошларимизга ўз айбига иқрор бўлиб, юртига қайтиши учун яна бир бор имкон беришдир. Уларнинг бировлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолишини ва аълал-оқибатда ит ўлими топишини истамайман. Аксинча, бундай адашган йигитлар ота-онаси, қариндош-уруғи ва яқинлари бағрига қайтсин. Бугун Ўзбекистон халқи қандай яшаётган бўлса, шундай ҳаёт кечирсин. Бизнинг кўп миллатли халқимиз янада фаровонроқ яшашни, заминимизда тинчлик ва осойишталик бўлишини хоҳлайди. Барчамизнинг ниятимиз эса эртанги ҳаётимизни бугунгидан кўра фаровонроқ, фарзандларимизнинг келажаги янада порлоқроқ, нуронийларимизнинг тинч ва осойишта умри тағин ҳам мазмунлироқ бўлишини таъминлашдир.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Жиззах вилоятида янги ўқув йилида 28 мингдан ортиқ ўғил-қизлар биринчи синфга борди. Уларга 300 миллион сўмлик дарслик ва ўқув анжомлари Президент совғаси сифатида топширилди. Бундан ташқари, вилоятдаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 29 миллион сўмликдан зиёд дарсликлар бепул тарқатилди.

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

*Муносабат*

# МАРД ЎҒЛОНЛАР БАХТИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ

***Ғаразли мақсадларни кўнглига туккан сиёсий кучлар бугунги кунда бир хом хаёл билан яшаяпти. Яъни, истиқлол йўлидан дадил қадам ташлаётган давлатлар ҳудудида улар учун бир бўшлиқ пайдо бўлгандек гўё.***

Шу боис улар худди ана шу бўшлиқни эгаллаш, Худо берган бойликларга эга бўлиш, Ўрта Осиё халқларини ўз ҳукмронлигига бўйсундириш каби ярамас мақсадларига эришиш учун турли қабихликларга қўл урмоқдалар. Собиқ совет империяси пароканда бўлгандан кейин юртимизга суқилиб келган экстремистик кучларнинг вакиллари ҳамон айрим иродаси заиф одамларни, айниқса ёшларни мўмай пул эвазига ёки турли алдовлар билан тўғри йўлдан тойдиришга ҳаракат қилишдан тийилмаётирлар.

Ҳаётнинг ўзи энг яхши муаллим. Вақт ўтиши билан фуқароларимиз кимни ким эканлигини аниқравшан ажратиб олдилар. Она Ўзбекистонимизни, Мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, террорчиларга, уларнинг ювиндихўрларига муносиб зарба бериш ҳар биримизнинг қалб муддаоимизга айланган. Шу билан бирга ўзининг ғўрлиги, тажрибасизлиги туфайли йўлдан адашган кишиларга олий даражада инсонийлик, меҳр-шавқат кўрсатилмоқда. Ўзбекистон республикаси Президентининг террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги фармонининг эълон қилиниши юқоридаги фикрнинг ёрқин исботидир.

Қуйида юртдошларимизнинг дил нидоси бўлиб янграган мактублардан бирини чоп этмоқдамиз.

* * *

**Мирзатилла Асобов, — Бўстонлиқ туманидаги «Бўстонлиқ» жамоа хўжалиги пудратчиси, меҳнат фахрийси:**

— Ёвузларнинг қутқуси билан қанчадан-қанча ёшлар ақидапараст кучларнинг тузоғига илиниб қолганликларини ўйласам, жуда-жуда эзиламан. Бунга аввало бепарволигимиз, ўзибўларчилик кайфиятида юрганлигимиз сабабчи бўлди. Соддалигимиз қурсин, у бизга ғоят қимматга тушди. Энди кўзимиз мошдек очилди, хато ва камчиликларимизни тушуниб етдик. Ҳозирги кунда ёшларимиз ҳақида алоҳида қайғуряпмиз. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида фахрийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ўтказилаётган йиғилишларда ҳушёр ва огоҳ бўлиш, ўз уйимизни ўзимиз ҳимоя қилишимиз лозимлиги қайта-қайта уқтириляпти. Масалан, ўзим меҳнат қилаётган хўжаликдаги ҳар бир йигитнинг юриш-туриши, орзу-интилишларидан хабардормиз. Уларни шахсий намунамиз, панд-насиҳатларимиз билан Ватанни севишга, эътиқодли, иродали, жасур инсонлар бўлишга ундаяпмиз.

Саъй-ҳаракатлар зое кетмаяпти. Ёшлар ўз садоқатларини амалда кўрсатишяпти. Ўзим оилам билан уч гектар ерни ижарага олганман. Йил ўн икки ой сидқидилдан ишлаб баракали ҳосил етиштирдик. Шартномага кўра хўжаликка 30 тоннадан зиёд сарҳил неъмат топширдик. Унинг бир тоннаси ўзимизда қолди. Демак, даромад ҳам мўмай бўлади. Она заминимизнинг баҳоси йўқ. Қаранг, ҳар бир туп нок дарахтидан ўрта ҳисобда 900 килодан ҳосил олдик. Помидор ҳосили ҳам кутилгандан анча зиёда бўлди. Яхши англаймиз, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлган тақдирдагина ўз ниятларимизга эришамиз. Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

*Фахр*

# ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ШАҲДАМ ОДИМИ

***Куни кеча миллий курашимиз халқаро спорт тури сифатида расман тан олинганлигининг икки йиллиги кенг нишонланди. Халқаро кураш ассоциациясининг Президенти Комилжон Юсупов билан суҳбатлашдик.***

— Кураш инсоният тарихидаги энг қадимий спорт турларидан биридир,- деди суҳбатимиз авалида Комилжон ака. — Тарихий манбаларда айтилишича, у икки минг йиллик тарихга эга ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган. Яқин-яқинларгача кураш асосан халқ сайллари, тўй-томошаларда кўнгилочар ўйин вазифасини ўтарди. Ваҳоланки, кураш ўрта асрларда аскарларнинг ҳарбий қобилиятларини ошириш воситаларидан бири ҳисобланган. Чунончи, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур аскарлари кураш техникасини пухта ва мукаммал эгаллаган бўлиб, уни жанглар пайтида кенг қўллаганлар. Қолаверса, у асрлар давомида ўзбек халқининг маънавий ва маданий жиҳатдан камол топишида катта хизмат қилиб келди.

**— Миллий ва маънавий қадриятларимиз, унутилган урф—одат ва анъаналаримиз, шу жумладан миллий спорт турлари мустақиллигимизнинг шарофати билан қайтадан кўз очди, дейишимиз мумкин.**

— Ўзбекистоннинг истиқлолга юз тутиши кўп соҳалар каби миллий курашимизнинг ҳам янги порлоқ даврини бошлаб берди. Унинг халқаро спорт тури талабларига жавоб берадиган андозалари жорий этилди. Кураш яктаклари, беллашув майдони, ёши ва вазнига оид тоифалар, беллашув вақти, баҳолаш ва бошқа қоидалар ишлаб чиқилди. Демакки, кураш бўйича миллий ва халқаро мусобақалар ўтказиш имкони туғилди. Жаҳон мамлакатларида ҳалол, ёнбош, чала, дакки, танбеҳ каби миллий атамаларимиз янграй бошлади.

1998 йилнинг 6 сентябри тарихга ўзбек курашининг халқаро спорт тури сифатида тан олинган кун бўлиб кирди. Шу куни 28 мамлакатдан пойтахтимизга келган вакиллар 1-таъсис конгрессида халқаро кураш ассоциациясини ташкил этишди. Ушбу ассоциациянинг фахрий Президенти этиб Ислом Каримов сайланди.

**— Ўтган икки йил ичида курашни ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Хусусан, халқаро кураш ассоциациясининг тизими ташкил этилди. Мутахассисларимиз ёрдамида Осиё, Африка, Европа, Америка ва Океания қитъалари кураш федерациялари, 31 та давлатда эса миллий федерациялар таркиб топди. «Кураш» журнали чиқарила бошлади. Жаҳон мамлакатларига тезлик билан ёйилаётган курашни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб—қувватлаш мақсадида яқинда Бутунжаҳон курашни ривожлантириш фонди тузилди ва унинг ўндан ортиқ филиаллари ҳам фаолият бошлаш арафасида. Ҳиндистон, Россия, Японияда шу номда журнал чиқа бошлади. Англияда ҳам шундай нашр чоп этиш ҳаракатлари мавжуд.

**— Курашни илмий жиҳатдан ривожлантиришга қандай аҳамият қаратилмоқда?**

— Жаҳонда шундай амалиёт мавжуд — спортни ривожлантириш учун унга албатта илмий жиҳатдан ёндашув талаб этилади. Худди шу мақсадда 1999 йили халқаро кураш академиясини таъсис этдик. Курашни ўз ватанида жорий этиш истагида бўлган мамлакатлар вакилларини юртимизга таклиф этиб, академиямиз мутахассислари ёрдамида мураббийлар, ҳакамларни тайёрлаяпмиз. Ўқув—услубий фильмлар, дастурлар тақдим этяпмиз.

Яқинда кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев Ҳиндистонга бориб, мураббий ва ҳакамлар билан шуғулланиб қайтди.

Англия, Япония, Бразилия, Канада, Боливияда айниқса биз билан яқин ҳамкорликда ишлашмоқда.

Англиядан яқинда бир хушхабар олдик — туманли Альбион мамлакатида кураш бўйича Ислом Каримов номли халқаро мусобақа ташкил этишмоқчи.

**— Эшитишимизча, курашнинг олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун ҳам кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётган экан.**

— Дарҳақиқат, курраи заминнинг энг нуфузли спорт мусобақалари ҳисобланмиш ёзги олимпиадалар дастурига миллий спорт туримизни киритиш борасидаги ишларни қизғин бошлаб юбордик.

Хусусан, олимпиада ўйинлари талабларига мувофиқ унинг дастуридан ўрин олиш учун 28 та мамлакатда федерациялар ташкил этиш, уни аёллар ўртасида ҳам татбиқ қилиш, камида учта жаҳон чемпионатини ўтказиш кўзда тутилган.

Айтиш мумкинки, ҳозирнинг ўзидаёқ биз бу талабларни бажаришга эришдик. Миллий федерациялар сони 31 тага етди. Ўтган икки йил ичида ХКА раҳнамолигида сайёрамизнинг турли ҳудудларида жуда кўп миллий ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилди. Жумладан, ўтган йили Тошкентда биринчи жаҳон чемпионати, Белоруссиянинг Минск шаҳрида биринчи Европа чемпионати, Тверь шаҳрида эса ўсмирлар ўртасида биринчи жаҳон биринчилиги, Брянск шаҳрида аёллар ўртасида биринчи Европа чемпионати фикримизни тасдиқлайди. Шу йили Анталия шаҳрида иккинчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Бундан ташқари, Бразилия, Боливия, Канада, Буюк Британия, Жанубий Африка, Ҳиндистон, Япония ва бошқа кўплаб мамлакатларда миллий чемпионатлар ва халқаро турнирлар бўлиб ўтди.

Кураш билан айни пайтда Ўзбекистондан жуда йироқда бўлган Доминикан Республикаси, Парагвай, Эквадор мамлакатлари, ҳатто Маврикий оролларида шуғулланишмоқда. Ҳозирги кунда 31 та миллий кураш федерациялари ХКАнинг тенг ҳуқуқли аъзолари саналгани ҳолда, яна 19 та миллий федерация ушбу рўйхатдан жой олиш арафасида.

**(Давоми 4-бетда).**

